




“ЗУЛМГА ҚАРШИ 7 КУН”: 8-ҲАФТА ВАРАҚАСИ



“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок қилиб, ўтган ҳафтада эълон қилган варақамизни мамлакатимизда тарқатган юртдошларимизга миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Гарчи 7 кун мобайнида ЎХХ номидан “И.А.Каримовнинг “доно” сиёсати туфайли бугун Ўзбекистонда ўқувчилар пахтада, ўқитувчилар қурилишда, шифокорлар эса уйма-уй пул йиғишда... Шу ҳам давлатми? Шу ҳам президентми?” деган саволлар акс этган варақаларимиз мамлакатимиз кўчаларида тарқатилгани ҳақида хабар олмаган бўлсак-да, юртдошларимиз ушбу варақамизни ҳам фаол тарқатганига ишончимиз комил.

“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасининг тўққизинчи ҳафтасида фаолларимиз, тарафдорларимиз, эркинлик ва адолат руҳидаги бошқа юртдошларимизга навбатдаги варақамизни тақдим этамиз. Тўққизинчи ҳафта варақасида Каримов режимининг ташаббуси билан охириги 2-3 йил ичида амалга оширилаётган “бозор босқинлари” муаммосини кўтариб чиқишга қарор қилдик. Маълум-ки, сўнгги пайтларда режимнинг қуролланган ҳарбийлари юзларига қора ниқоблар тақиб олиб, бозорлардаги савдогарларни талашни одат қилишди. Тинч аҳоли золим хизматидаги бу жаллодаларни аллақачон “Каримовнинг террорчилари” деб атаб бошлаган.

Мана, шундай босқинларнинг сўнггиси ўтган ҳафтада Қаршидаги

“Орзу” бозорида содир этилганлигини кашкадарёлик ҳуқуқбонларнинг хабарларидан билиб олдик.

Мана шу ҳолатларни инобатга олиб, “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасининг тўққизинчи ҳафтаси варақасида “ҚОРА НИҚОБЛАР ВА АВТОМАТЛАР ТАҚИБ ОЛИБ, ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРЛАРИДАГИ САВДОГАРЛАРНИ ТАЛАЁТГАН ҲАРБИЙЛАР КИМ? ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРРОРЧИЛАРИМИ ЁКИ “АЛ-ҚОИДА”НИКИМИ?” деган саволларни ёзиб чиқишга қарор қилдик.

Бу сафарги варақамизда айнан шу муаммони кўтариб чиқишимиздан мақсад диктатор Ислому Каримовнинг мустабид сиёсати Ўзбекистонни том маънодаги қулликка олиб келганини яна бир бор эслатишдир. 20 йиллик мустақил қуллик ва зулм даврида тадбиркорларни солиқлар ва турли тўловлар орқали талаб тўймаган золим Каримов ва унинг қизлари эндиликда савдогарларни қуролли босқинлар билан талашни бошлаб юборишди. Шу кетишда Каримов оиласи ўзининг террорчи жангариларини нафақат тадбирқору савдогарлардан, балки оддий фуқаролардан ҳам уйма-уй юриб, пул йиғишга жўнатиши муқаррар. Ўзбек халқи яна озгина сабр қилса, шу кунларни ҳам кўриши аниқ. Ахир, бугунги кунда кўпчилик ўзбекистонликлар ҳуқуқат мулозимлари ва журналистларига жўр бўлиб, сайраётгандек: “Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор!”.

Ман шундай оғир вазиятда бу муаммони ва ҳақиқатни варақалар орқали оддий юртдошларимизга етказишимиз лозим.

Шундай экан, келинг, биз, оддий ўзбекистонликлар, олдимизга ана шу мақсадларни кўйиб, “ҚОРА НИҚОБЛАР ВА АВТОМАТЛАР ТАҚИБ ОЛИБ, ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРЛАРИДАГИ САВДОГАРЛАРНИ ТАЛАЁТГАН ҲАРБИЙЛАР КИМ? ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРРОРЧИЛАРИМИ ЁКИ “АЛ-ҚОИДА”НИКИМИ?” деган саволларни юртдошларимизга етказайлик! Ҳар биримиз шу варақадан ҳеч бўлмаса 7 тасини одам кўп тўпланадиган жойларга ёпиштириб чиқсак, Ислому Каримовнинг сиёсатчи сифатида золим эканлигини, иқтисодчи сифатида эса хомкалла эканлигини юртдошларимизга эслатган бўламиз.

Азиз юртдошлар!

Қуйида ҳавфсизлигингизга оид бир қатор маслаҳатларимизни яна эслатмоқчимиз. Варақамизни принтердан чиқараётганда ҳамда бекатлар, деворлар ва симёғочларга ёпиштириётганда ўта хушёр бўлишни, иложи бўлса, атропода ҳеч ким йўқ пайтларда ёпиштиришни тавсия этамиз.

Бир марта варақа ёпиштирган жойингизга иккинчи марта варақа ёпиштирмаганингиз маъқул. Варақаларни бегона одамларнинг принтерларидан, айниқса, компьютер клублари ва интернет-кафелардаги принтерлардан чиқармасликни тавсия этамиз.

Бундан ташқари, варақамизнинг электрон версиясини компьютерларингизда узок сақламасликни, варақачаларни ёпиштириб бўлгандан кейин компьютерларингиздан иложи борича тез ўчириб ташлашни тавсия қиламиз. Қирқиб олинган варақачаларни ёнингизда узок муддат сақлаб юрмасликни, айниқса, Тошкент метрополитенига олиб тушмасликни, уларни иложи борича тезда ёпиштириб чиқишни маслаҳат берамиз.

Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон озодлиги учун курашда эҳтиётсизлик туфайли қамалиб, курашдан ташқарида ётгандан кўра, эҳтиёткор бўлиб, озодликда ва аҳоли орасида юриб, кураш майдонида ҳаракат қилиш фойдалидир. Ўзимиз учун ҳам, халқимиз учун ҳам!

Келажак ҳафта мобайнида юртдошларимиз “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ведманзиллари кўрсатилган ва “ҚОРА НИҚОБЛАР ВА АВТОМАТЛАР ТАҚИБ ОЛИБ, ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРЛАРИДАГИ САВДОГАРЛАРНИ ТАЛАЁТГАН ҲАРБИЙЛАР КИМ? ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРРОРЧИЛАРИМИ ЁКИ “АЛ-ҚОИДА”НИКИМИ?” деган сўзлар битилган навбатдаги варақамизни мамлакат кўчаларида ёпиштириб, ватандошларимизни курашга чорлашда Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига кўмакдош бўладилар, деган умиддамиз.

ЎХХ ташвиқот бўлими

Жиззах вилояти ҳокимиятидаги манбаанинг айтишича, сўнгги 3 ой мобайнида вилоятга, Ўзбекистон Мудофаа Вазирлиги, Миллий Хавфсизлик ҳамда Президент Хавфсизлик Хизмати ходимлари серкатнов бўлиб қолишган.

“Мудофаа Вазирлигидан келганлар асосан Фориш туманидаги 39815 ҳарбий қисмга кетишяпти ва у ердаги Фориш ҳарбий полигониди махсус ҳарбий тайёргарликлар бўйича машғулотлар ўтказишяпти” дейди вилоят ҳокимиятидаги манбаа.

КАРИМОВ ИНҚИЛОБГА ҚАРШИ БОМБАЛИ ИТЛАРНИ ТАЙЁРЛАМОҚДА



Фориш ҳарбий полигониди фаол ҳаракатларнинг сабабларини билиш мақсадида, Жиззахда кўп йиллардан буён ҳарбий қисмлардан бирида ишлаётган зобитга мурожаат қилдик. Исмини сир сақлашлик шарт билан у мана шундай деди:

“Форишдаги ҳарбий полигон Ўзбекистондаги энг йирик ҳарбий объектлардан бири ва у ерда Марказий Осиё микёсида ҳарбий амалиётлар ўтказиб турилади. Ҳозир у ерда республика МХХга қарашли бўлган йирик ҳарбий бўлинма олиб келинган ва мана 3 ойдан буён у ерда шартли равишда “Макон 4” деб номланган амалиёт ўтказилаяпти. Маълумотларга кўра, тез кунларда Форишга И.Каримов ҳам келиши ва амалиётни шахсан кузатиши кутилаяпти. 750 нафар ҳарбий амалиёт иштирокчиси турли вилоятлардаги ҳарбий қисмлардаги ҳарбий танловдан ўтган аскарлар бўлиб, улар Фориш полигониди хизмат қилаётган бошқа аскарлардан алоҳида сақланаяпти. Аскарларни айтишларича, ҳарбий амалиёт иштирокчилари эрталаб қисмдан олиб чиқиб кетилади ва оқшом пайти яна олиб келинади. Қизиғи шундаки, Фориш полигониди ўтаётган сирли ҳарбий амалиётни Россиялик ва Хитой ёки Кореялик ҳарбий мутахассислар ҳам келиб кузатиб кетишди. “Макон 4”нинг бошқа тафсилотларини айта олмайман”.

Жиззахда бўлиб ўтаётган ҳарбий амалиёт 2 кун давомида вилоятнинг Зомин туманидаги 9225-сонли ҳарбий қисмнинг 5-12-сонли чегара бўлинмасига ҳам кўчган. Шу туманда истиқомат қиладиган манбаанинг айтишича, ҳарбий амалиёт бўлиб ўтаётган ҳудуд 3 кун давомида ёпиб қўйилган. Шу жойга яқин қишлоқларнинг аҳолиси амалиёт ўтказиладиган кунлар давомида ўз чорваларини уйдан чиқармаслик ҳақида қаттиқ огоҳлантирилган.

Зоминдаги ҳарбий қисмлардаги манбаанинг гапига қараганда, “Макон 4” ҳарбий амалиёти чоғида махсус тайёргарликдан ўтган итлар ҳам қатнашишган. Унга кўра, амалиёт чоғида қорин қисмига, узокдан туриб портлатиладиган моддалари бор белбоғлар бойланган итлар, террорчилар тўдаси ичига қўйиб юборилиши ҳамда шу

тўда ичида портлатиб юборилиши машқлари бажарилган.

“Мен бир нарсани аниқ билманки, бу каби ҳарбий амалиётлар мустақиллик йилларидан буён ўтказилмаган. Бу шуни англатадики, ҳукумат ниманидир кутаяпти ва шу сабабли қаттиқ тайёргарликни бошлаб юборган” дейди Зоминлик зобитлардан бири.

Диктатор Каримов томонидан бошқариладиган ўзбек армияси Жиззах ҳарбий полигониди нимага тайёргарлик кўраяпти? Бу саволга жавоб битта: Диктатор ўзининг сўнгги кунларига ҳозирликни, ўзига эмас, ўзбек халқи учун қафан тўқишдан бошлаган кўринади...

Ўз тахтини қизига ёки яна биронта ялоқхўрига қолдиришни режалаштириб, шу тариқа зулм умрини узайтироқчи бўлаётган диктатор, азобдан тўйиб кўчага чиққан халқнинг орасига, белига бомба боғланган итларини қўйиб юбормоқчи.

Шу тариқа у, Ўзбекистонда бошланган ғалаёнларни “Хориждан молиялаштирилган террорчилик амалиётлари” деб атамоқчи ва нечанчи бор жаҳон оммасининг кўзига тупроқ сочмоқчи.

Бу айнан бизнинг диктаторимизнинг феълига мос бўлган одат.

Жиззахда эса ҳарбий амалиётлар давом этаяпти.

**Насим Лочин,
Жиззах**

‘ГУЛНОРА КАРИМОВА ҒОФУР РАҲИМОВГА ҚАРШИ УРУШ ОЧДИ’МИ?



«Новая газета-Казakhstan» рўзномаси Марказий Осиё бўйича эксперт Виталий Волковнинг мақоласини эълон қилган.

Бу мақолада ёзилишича, Ўзбекистондаги таъсирли криминал авторитет Ғофур Раҳимовга қарши жиноят иши қўзғатилгани Президент Ислом Каримовнинг тўнғич қизи Гулнора Каримованинг Ғофур Раҳимовга қарши уруш очганини англатади.

Мақолага кўра, Ғофур Раҳимовнинг мамлакат ичкариси ва чет элда обрўси ошгани, Ўзбекистон ичкариси ва ташқарида унинг бизнеси кенгайгани Президент Каримовнинг қаҳрига учрашига сабаб бўлган.

Феврал ойининг ўртасида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Ғофур Раҳимовга қидирув эълон қилган, Миллий Хавфсизлик Хизмати унга қарши жиноят иши очгани хабар қилинган эди.

Хўш, бу ишлар Гулнора Каримованинг Ғофур Раҳимовга қарши уруш очгани билан тенг деган иддаолар қанчалар асосли?

Лондонда истиқомат қилувчи мустақил журналист Шоҳида Ёқубга кўра, бу саволга жавоб бериш мушқул.

«Мен Гулнора Каримованинг ўзи Ғофур Раҳимовдек катта шахсга қарши очиқчасига уруш эълон қилганига ишонмайман. Балки, Гулноранинг ортида Миллий Хавфсизлик Хизмати ҳам турган бўлиши мумкин», дейди журналист.

Шоҳида Ёқубга кўра, бу «сиёсий ўйин»лардан биридир.

bbc.co.uk/uzbek

КАРИМОВ СИЁСАТИНИНГ НИҚОБЛАРИ (2)

Каримов ўзига яқин бўлган раҳбарларини улар пора олгани учун вази-фасидан озод қилмайди, уларни фақат ито-ат қилмагани учун жазолайди. Унинг қўли остидагилар ҳеч қачон тўғридан тўғри ишдан бўшатилмайди. “Борса келмас” то-монларга, ёки “кирса чиқмас” зиндонларга ташланади, ваҳоланки улар Каримовга 20 йилдан ошиқ хизмат қилган бўлсалар ҳам, айнан жамиятга уларни порахўр ҳамда кас-бини суистеъмол қилганликлари ҳақида баёнотлар беради. Халқ нафратини айнан ана ўша порахўр раҳбарларга қаратиб қўйиб, натижада саҳнадаги «иккинчи қўл», «халоскор» томонидан қатл этилиб, ўрнига режадаги бошқа бир маддох келиб ўтиради.

«Нутк» ниқоби.

Каримов ҳамisha Халқ дардига мо-нанд ибратли нутқ сўзлайди, ҳамма вақт фақат яхши бўлиши ҳақида, натижалар ва ютуқлар бўлгани ҳамда бўлиши ҳақида, ҳамма яхши яшашига оз қолгани борасида, келажигимиз буюклиги мавзусида тинмай одамни яхши кунлар хаёли билан яшашга мажбур қиладиган нутқ сўзлайди. Бунинг оқибатида халқ онгида ва тасавурида му-камал давлатнинг бир кўриниши хаёлан шакллана боради ва халқ ўша кунларни беҳисоб кутишда давом этаверади. Худди энди Каримов билан бир елкама елка ту-риб, ўша ажиб ўлкани шакллантираётган-дек тасаввур ҳосил қила бошлайди бу халқ.

Агарда хаёлга зид қарашлар пай-до бўлса, бу шахс энди Каримов учун оч наҳор бўлсада бир йўлакда бўлади. «Нутк» ниқоби орқали Каримов «Бу Дав-лат ҳаммаизниқиб» дея халқни ишон-тиради, буни ортидан Халқ кўр-кўрона давлат ҳимоясига ўзини отади. Бу давлат ҳамманики, аммо унга эгаллик қилиш фақат Каримовга тегишлидир, агар халқ унга эгаллик қилишни истаб қолса, Каримов «ик-кинчи қўл» ниқобини ишга солади, қўяди! «Нутк» ниқоби ўта фалсафавий, ибратли, омма онгини ўзгартира оладиган харак-терга эга сўзлар жамланмасидан ташкил этилади. «Ўз уйингни, ўзинг асра» — бу ибора ортида «Ўзбек халқи, ўз Ватанин-ни ўзинг ҳимоя қил» каби чакириқ илгари сурилсада, аслида бунинг негизиде «Ўз уйинг, ўз оиланг, ўз маҳаллангни ўзинг ҳимоя қил, давлатдан нажот кутма» каби талаб ҳам ётади.

«Ўзбекистон келажиги буюк Давлат» — бу ниқоб ортида халқ давлатнинг ҳар қандай инжиқликларига чидайди, ҳам-да бу ишлар буюк келажак кунлари учун ислохотлар холос дея ишонади, лекин «Буюк» сўзи билан «Бугун» сўзларини солиштирак бу ибора ортидаги мақсадни ту-шунгандай бўламиз. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» — бу ниқоб нутқи халқни ўзи учун яшашдан кўра келажак авлод учун, яъни давлат учун яшашга ундайди, бироқ бугун қийналган халқ машаққат чекадию, роҳати келажак авлодларга қоладими?

Келажак авлод шаклланганда ҳам бу ниқоб уларга ҳам келажак авлод учун машаққат қилишга ундайверади, чунки бу халқни итоатда тутиб туриш сиёсатининг бир ниқобидир. «Келажак ёшлар қўлида» — келажакни фақат ёшлар билангина таъ-рифлаш орқали ёшларни қўллаш ва уларни бош эгдиришдир!

Чунки энг катта куч ёшлар эканини билган бу ҳукумат, уларни ҳар томонлама қолипда ушлайди, ваҳоланки ёшлар ҳеч қачон сиёсий ютуқларга эриштирилмайди, ёхуд улар хорижда ишчи-мухожирдирлар. Айнан шундай мухожирларнинг аксарияти хориж тараққиётига ҳамнафас бўлиши би-лан бирга, уларнинг сиёсий қарашларига ҳам ҳамнафас бўлишмоқда, айни дамда улар энди Каримов сиёсати аслида адолатиз эканини англашмоқда. Демократия ҳамда диктатура маънолари ҳақида, ҳақ-ҳуқуқ, эркинлик, ҳамда қонун устуворлиги бора-сида илмий назарияга эга бўлишмоқда, лекин Каримов ниқобларининг сиртинигина кўраётган ёшлар албатта бундан мустасно-дирлар.

Бундан ташқари ҳар бир янги йил-ни турлича номланиши ҳам маълум мақсадларда ниқобдир.

«Тинчлик» ниқоби.

Агарда жамоат жойларида кўзга кўринарли одамлар сони тўпланиб қолса, у ерда бир зумда бирорга «қулоқ» ёки МХХ, ИИБ ходимлари пайдо бўлишади. Агар уларга нисбатан чора кўрилса, албат-та жиноятчилар дея эълон қилинади. Аммо Каримов халқ оммасидан доим хавфси-райди, шунинг учун аслида ўз тинчли-гини ўйлайди холос. Айнан шу мақсадда «Тинчлик» — ниқоби тадбиқ этилади, тўпланган жамоалар тарқатиллади ёки чора кўриш билан кўрkitиллади.

Кечки муайян белгиланган тартиб-ли вақт меъёрига кўра, маиший хизмат дўконлари масъул ходимлар томонидан берkitиллади, бозорларда ва фуқаролар кўп жам бўладиган жойларда гап етказувчилар («қулоқлар») кўпайтирилади. Ҳар қандай қўлга олинган шубҳали шахс ҳақида «тин-чликка раҳна солувчи шахс» сифатида таъ-риф бериб, авом халқ эса бунинг илдизига ҳам қизикмай, бу шахсдан кўр-кўрона на-фратлани бошлайди.

Давлат доимий тарзда кўшни бўлган яқин давлатлар: Ўрта Осиё давлатла-ри, хусусан Қизғизистон ва айниқса Афғонистондаги нотинчлик ҳолатларини, дунёда рўй бераётган жанжалларни ўта дахшатли дея жар солиб бизнинг «тин-члик» билан қиёслаб кўрсатади, аммо Республикамиз доирасида бўлган, ёки бўлажак низолар эса оммадан сир тути-лади. Бу эса «тинч ҳаёт фақат бизда» де-ган нотўғри фикр уйғотиш учун амалга оширилмоқда. Бундай бўртиришлар асли-да тинчлик ҳамда адолатнинг фарқига бор-майдиганларни кўпайтириб қолмай, зулм-ни тинчлик дея қабул қиладиганлар сонини ҳам ортириб боради.

Аммо бизнинг Ўзбекистонда бўладиган ҳар қандай шов-шув денгиз остида қолдирилиб, мавҳумлигича сакланади.

Айнан «Тинчлик» ниқоби орқали халқ устидан ўтказиладиган амалиётлар жуда силқ қилиб ўтказилинади, ҳар қандай ноўрин тадбирлар ва қатор қонунга зид фаолиятлар учун бу ниқоб жуда ишончли ҳимояга айланади.

«Мадх» ниқоби.

Каримов доим ўзини мадх этади.

Бу ниқоб орқали у ўзини халқ наза-рида жуда ҳам қудратлик, ҳар томонлама юксак кўмондон ва раҳбар, сиёсий олим, ўзбекнинг отаси сифатида кўрсатишга уринади. Унинг энг долзарб вазиятларда



қахрамонона шижоати, ҳамда тактикаси мадх этилади, тилларда дoston қилинади. Каримов доимо барчанинг назарида бир-дек ижобий гавдалантирилиб турилади ва ҳеч бир фуқаро, ёш авлод уни ёд этма-ган кuni бўлмайди. Бундай бўртирилган ниқоб орқалик “буюкларнинг буюғи” сий-моси Каримов кўринишида шаклланти-рилади. Тинмай мадх эшитаверган омма назарида Каримов ҳақиқатдан ҳам «Буюк халқ раҳбари», «Каримов паноҳгоҳимиз», «Каримов қутқарувчимиз, халоскори-миз» каби кўз қарашлар пайдо бўла бош-лайди. Қуни келиб бир кун унинг ҳам даври ўтиши ҳақидаги фикрларни асло уйғонмайди, чунки бу халқ мустақил бўлиб кўрган раҳбарларининг биринчисидир. Шунинг учун халқ илк раҳбарига қаттиқ ишониб қўяди, ваҳоланки бу ниқобни қойилмаком қилиб намоиш этадилар. Бошқа ҳар қандай “буюк сиймолар” эса сирли тарзда йўқ қилинади. Манна, нега Каримовдан бошқа сиёсий қахрамонларни кўрмаймиз! Каримов ҳаммани фақат уни мадх этишга мажбур қилади. Шу ўринда савол туғилади: сиёсат оламида минглаб ёш иқтидорли кадрлар, ҳамда раҳбарлар бор, нега бирор марта халқ тилига туша-диган ислохотлар қилишмайди? Жавоб эса «мадх» ниқобидир. Халқ наздидаги ҳар қандай “буюк сиймо”, хоҳ у олим бўлсин, хоҳ сиёсий арбоб, у денгиз қаърига фарқ қилинади. Натижада эл фақат Каримов сиймосига эргашишга мажбур.

«Шахсий кўриниш» ниқоби.

Каримов ҳамisha оммага соғлом, те-тик ҳолатга кўриниш беради, телевидения орқали ҳар бир чиқишида ўзига хос кучли кўриниш касб этади. Бу эса одамларда до-имо унга эргашиш кайфиятини уйғотади. У ҳеч қачон бетоб ва тажанг ҳолатда халқка кўриниш бермайди. Бу унга орқадощ бўлганларни кескин камайтиради ва умидсизлантиради, унга бўлган ишонч сусаяди, унинг қудрати аслида умрбод эмаслиги аён бўлади, инсонлар тасавву-рида Каримов худди чўқаётган кема мисо-ли гавдаланади. У ҳеч қачон асл қиёфаси ҳамда феъл-атворини фуқароларга намоён қилмайди, унинг дахшатли муомаласи, ҳамда тарбиявий тактик нутқ усулини фақат яқин музолимулари биладилар холос. Каримовнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати унинг сиёсий оламда катта роль ўйнашини яхши билади ва шунинг учун ҳам бу ниқобга қаттиқ амал қилади.

Шоҳнинг кучсизланган кўриниши ёки фаолияти эса, ракибларини тетикланти-ради, ҳамда фитна учун қулай вазиятлар келтириб чиқариши мумкин. Каримов бу ниқобига «Нутк» ниқобини ҳам чамбар-час боғлаган. У ўлим тўшагида бўлган тақдирда ҳам, унинг сиёсий «Ниқоб» лари уни тетик ва соғлом кўрсатади.

IYMON MUFASSAL

Бизнинг шарх: *Ўзбекистон ўз мустақиллигини буюк келажак ваъдаси билан бошлаган бўлсада, орадан йигирма йилдан ортиқ вақт ўтиб аҳвол тескари йўналишида ривожланиб борганлиги кўриниб қолди. Энди мамлакат ичкарисида ва ташқарида ҳам ўзбеклар ва Ўзбекистонликлар мардикорлик қилиб кун кўраётганини яшириб ҳам бўлмай қолди. Айниқса ҳамватанларимизнинг Россияда ўта аянчлик аҳволда яшаётгани, гоҳида улар қип-қизил жиноятчиларга, баъзида эса рус миллатчилари қўлида ўлаётган қурбонларга айланаётгани ҳукумат раҳбарини ҳам безовта қилгандек бўлди. Аслидаку ҳукумат раҳбарини бу мутлоқ қизиқтирмайдиган мавзу, аммо халқаро жамоатчилик, ҳамда халқаро оммавий ахборот воситаларининг бераётган маълумотларига бепарво ўтиришининг имкони ҳам қолмади. Энди эса Ўзбекистон ўз талабаларини Ватанга қайтишига даъват этаяпти. Кейин нима бўлади деган ҳақлик савол тузилади. Дарҳақиқат, бу талабалар аввало тузукроқ илм олиб, ҳунар ўрганиб мутахассис бўла оладими, мутахассис бўлган тақдирда ҳам иш топадими? Елка қимоқдан ўзга чора йўқ! Ҳукуматимизда ҳам бугуннинг ёшлари келажаги ҳақида аниқ тасаввур йўқ! Уларга саол беринг, улар ҳам елка қисади холос. Бир вақтнинг ўзида ҳам Россияда ишлаб, ҳам Ватандаги коллеждарда ўқишни ўзбеклар кашф қилишган. Эртага нима бўлишини эса фақат эрта кўрсатади.*



Дейлик, Қирғизистон ва Тожикистон каби таъсир воситаси заиф ҳамда нисбатан кичик мамлакатлар ҳам ўз мухожирларининг Россиядаги шароитларини яхшилаш, керак бўлса, уларнинг руслар билан тенг ҳуқуқли бўлишлари йўлида рўйхатдан ўтиш ва ё ишга олиниш тартибларини энгиллатиш, ҳатто энгиллатилган тартибда Россия фуқаролигини олишларига эришиш каби чораларни амалга оширишга интиладилар.

Ўзбекистон фуқаролари эса бу ўринда Россияда ҳақ-ҳуқуқлари энг кам таъминланганини айтишади.

Ўзбеклар ва Ўзбекистон

«Кўшни мамлакатлардаги ёшлар ватанига қайтишганда, кўкрагини кериб, ватанимга кетаяпман, у ерда ўз давлатим мени ҳимоя қилади, деб айтишади» — дейди Россиядаги ўзбек мухожирларидан бири — «Биз эса худди жиноятчилар каби кўрқапса борамиз ва айнан ўз чегарамиздан ўтгунча энг кўп текширув, кўпол муносабат ва кези келганда, таҳқирларга ҳам юз тутамиз».

«Биз Ўзбекистон давлати бизнинг ортимизда турибди, зарур бўлса, бизни қўллади, деб қандай ишоннайлик?»

Расмий рақамларга кўра, Россия ва Қозоғистондаги ҳам қонуний, ҳам ноқонуний ишлаётган ўзбекистонлик мухожирлар сони 5 миллион атрофида.

Уларнинг кўпчилиги қийин шароитларда, ҳақ-ҳуқуқсиз ва энг оғир ишларни қилиб, пул топишади.

Ўзбекистон ичкарисида эса, одатда, бу каби мухожирларни бориға қаноат қилмасдан, бойлик орттириш учун четга кетган ношукурлар сифатида тасвирлашади ва ҳатто машхур ашулалар мухожирларни қоралаб қўшиқлар айтишган.

Аммо Ўзбекистон иктисодида мухожирлар жўнатадиган пулларнинг салмоғи жуда катта ва уларнинг Ўзбекистонда қолган оилалари айнан ана шу маблағ эвазига кун кўраётгани, уй солиб, тўй қилаётгани айтилади.

Шу асно, бу мухожирларни мажбуран қайтариб келган билан мавжуд муаммолар ҳал этилишига ишонч йўқ.

bbc.co.uk/uzbek

ЎЗБЕК МУҲОЖИРЛАРИ ҚАЙТСИН! КЕЙИН-ЧИ?

«Прокуратура мулозимлари Россияга ишлашга кетган талабаларни зудлик билан қайтаришни талаб қилишмоқда» — дейди фарғоналик коллеж ўқитувчиларидан бири.

«Аммо коллежнинг иши дарс бериш бўлса, четга ишлашга кетган ёшларни қайтариш вазифасини ҳам елкамизга юклашмоқда».

Бир неча ҳафта олдин эса Қозоғистонга ишлаш учун кетаётган меҳнат мухожирлари Тошкент вилоятидаги чегара ўтиш нукталаридан бир неча кун давомида ўтказилмай, ортга қайтарилаётгани ҳақида хабарлар чикқанди.

Бу — Президент Каримовнинг нега ўзбек ёшлари четга бориб, мардикорлик қилиши керак, деган саволига нисбатан Ўзбекистон мулозимлари кўраётган чора-тадбирлар.

Йил бошида ҳукумат мажлисида гапирган Ислоҳ Каримов четда қийналиб ишлаётган миллионлаб ўзбек мухожирлари аҳволига илк бора эътибор қаратиб, Ўзбекистондаги ишсизликни тан олганди.

«Уч йил ўқиб, мутахассис бўлган коллеж битирувчиси қаердан иш топади?» — деганди Ислоҳ Каримов — «Мен болаларимизнинг иш қидириб, сарсон бўлишини тасаввур ҳам қилолмайман».

Ишсизлик ва Ички ишлар вазир?

Ушбу мажлисда Президент Каримов Москвада ўлдириб кетилган ўзбекистонлик фаррош йигитнинг тақдирини эслаган ва ўзбек ёшлари нега чет элларга бориб, қийналиши лозим, деб расмийлар олдиға савол қўйган.

Хусусан, Ички ишлар вазирлиги ва бош прокурорға меҳнат мухожирлиги юзасидан чора кўришға буйруқ берганди.

Кўпчилик бундан кейин четдаги мухожирларнинг шароитини

яхшилаш ва борган мамлакатидан ҳақ-ҳуқуқларини кучайтириш йўлида чоралар кўрилади ва ёки Ўзбекистонда иш ўринлари яратилиб, ёш-қари мухожирларни қайтишға ташвиқ қилишади, деб кутганди.

Аммо Президент Каримовнинг гапларини ўзича тушунган Ўзбекистон мулозимлари тақик ва зуғум йўли билан ёшларни мамлакатдан чиқармасликни энг мақбул йўл сифатида танлаган кўринадилар.

Айни дамда, айрим таҳлилчилар Ислоҳ Каримов нега ишсизлик масаласини эслаганда Меҳнат вазири эмас, балки жазоловчи муассаса санолимиш Ички ишлар вазири олдиға мухожирлар муаммосини кўндаланг кўйганиға ҳам эътибор қаратадилар.

Кузатувчиларға кўра, тузукроқ яшаш имконини берадиган маошли иш ўринлари яратилмаскан, юз минглаб мухожирларни мажбуран ватанға қайтариш Ўзбекистонда фақатгина қашшоқликни кучайтириб, норозилик ва алал-оқибатда ижтимоий портлашға йўл очиши мумкин.

‘Иш бўлса, газ бўлса...’

Бугун ўзбекистонлик мухожирлар четда ҳақ-ҳуқуқлари қанчалик кам таъминланган бўлмасин, барибир, ватанға қайтишса, иш топа олишларига ишонимасмайди.

«Иш бўлса, газ бўлса, уй бўлса, албатта, Ўзбекистонға қайтаман» — дейди Би-би-си билан суҳбатда Сибирда ишлаётган ёш йигит — «Лекин ҳозир бориб нима ҳам қила оламан?»

Ўзбекистонлик мухожирларға кўра, Марказий Осиё мамлакатлари ичидан айнан Ўзбекистон мулозимлари четда мухожирға айланган ўз фуқаролари тақдири ва шароитини яхшилаш борасида етарлича қизиқмайдилар.

СУРХОНДАРЁДА ИНТЕРНЕТНИ “БЎҒМОҚДАЛАР!”

2013 йил 4 март куни маҳаллий вақт билан соат 12:35да, Сурхондарё вилояти бўйича барча интернет провайдерлари ўчирилган.

Бу ҳатти-ҳаракат туфайли, интернетдан фойдаланувчи фуқароларнинг норозилигига олиб келган. Ҳозирги кунда собиқ “МТС” ширкати учун, Сурхондарёда “қураш” кетмоқда. “Ким бу курашда қанча маблағни ўзлаштирса, ширкат ўшаники бўлиб қолади” деган “версия”лар ҳам бор...

Сурхондарёлик манбанинг (унинг илтимосига мувофиқ, исми шарифи келтирилмади) бизга берган маълумоти шундай: “Мен ҳар куни ва ҳар сония, “ЎХХ”нинг www.uzxalqharakati.com сайтида бериб бориладиган янгиликлар билан танишиб, мутолаа қилиб тураман. Худди шунингдек, “Озодлик”, “Би-Би-Си”, “Америка Овози” каби радио эшиттиришлари-ни ҳам тинглаб, Ўзбекистоннинг ичкари-сиди ва ҳорижда юз бераётган хабарларни ҳар доим эшитиб тураман. Интернетсиз ҳаётимни тассавур қилолмайман, чунки мен интернетга уланиш учун, Сурхондарё вилояти, “Алоқа бўлими”га қарашли бўлган, “UZ Robita”, TPS интернет провайдерига уланганман. “Интернетда муаммолар пайдо бўлиб қолмасин”

деб олдиндан пул тўлаб тураман, аммо мен 2013 йил 25 февралда интернетга уланиш учун, 2000 Мбга, 50 АҚШ доллари ҳисобида пул тўладим.

Уйга келиб, интернетга уланмоқчи бўлсам, интернет мутлақо ишламади. Буниси ҳам етмаганидек, иш жойимдаги интернет учун 50 доллар ҳисобида маблағ тўлагандим. Бу маблағлар ҳам бутунлай йўқ қилинган.

Шундан сўнг, дўст ва биродарларимдан сўраб-суриштириб билсам, уларнинг ҳам, ҳар бирларидан 15 доллар ҳисобида маблағлар ўзлаштирилиб юборилган экан. Шундан кейин, Сурхондарё вилояти “Алоқа бўлими”га қарашли бўлган “UZ Robita” TPS интернет провайдерига телефон орқали мурожаат қилдик. “Бизнинг юқори ташкилотимиз томонидан махсус топшириқлар берилган. Бу махсус топшириққа кўра, интернетга кириш ва чиқиш учун, “смета план” тузилган бўлиб, биз ўша кўрсатмага амал қиламиз. Сурхондарёда интернетга уланиш эса, маълум вақтгача, чекланиб қўйилди...” деди ўша мулозим.

Маълумингизки, Ўзбекистонда ҳар йили, “ОАВ” ходимлари учун, байрамлар уюштирилади.



Бу байрамларда Президент И.А.Каримовнинг “Табрикнома”си президентнинг давлат маслаҳатчиси Ҳайридин Султонов томонидан ўқиб эшиттирилади. Ҳар йилги тадбирда эса, журналистлар шаънига “тассано”лар айтилиб, уларга президентнинг мукофотлари топширилади... “Ўзбекистонда демократик принциплар асосида давлат қуриш” тўғрисида ҳамда “интернетни буғмасликка” даъват этилади. Лекин “сўз бошқа-ю, иш бошқа” деганларидек, Каримовнинг бу “нидо”си, сурхондарёликларга алоқаси йўққа ўхшайди, шекилли. Вилоятда босиб чиқарилаётган газета ва журналлар савдо дўконларида сотилмай, ўз “мухлиси”ни кутиб, офтоб “зарби”дан сарғайиб, чириш ҳолатига келиб қолади. Уни эса ахлат қутисига ташлашдан нарига ўтмайди...”

Фахриддин Тиллаев

ФАШИСТ ЭДИ, МУСУЛМОН БЎЛДИ



Голландиянинг ирқчи партияси собиқ аъзоси Арнолд Ван Доорн Ислон динини қабул қилганини эълон қилди. Ван Доорн аввал ўз мамлакатадаги ирқчи партиянинг аъзоси бўлган.

Ал-Жазира телеканалига айтишича, у Ислон дини ҳақида сўнгги бир йил ичида тадқиқот олиб борган ва муслмон бўлишга қарор берган.

Арнолд Ван Доорн Ислонга кирганини Твиттер ижтимоий тармоғидан эълон қилган. У ўз қарорни “Янги бошланиш”, дея атаган. Ҳаётимда кўп хатолар қилдим, энди ҳаёт йўлимни топганимга ишонаман, деди Арнолд Ван Доорн.


ЎХХ Ахборот Маркази

АНДИЖОН ҲОКИМИ ПУЛ УШЛАБ ҚОЛМАГАН БАНКИРНИНГ КАЛЛАСИНИ ОЛМОҚЧИ

5 март куни соат кечки 20да Андижон вилоят бўйича бўлиб ўтган селектор йиғилишида асосий масала коммунал тўловлар масаласи бўлди. Электр ва газ масаласи кўрилди.

Вилоят ҳокими Аҳмад Туғулович Усмонов барча ҳокимлар ва мутасадди ходимларга: барча қариллик ва ногиронлик нафақахўрларни пенсияси 50 фоизи пластик бўлиши ва 25 фоизи эса коммунал хизматларга мажбурий тўлов сифатида ундирилиши ва бюджет ташкилотларда ишловчи барча ходимларнинг иш ҳақидан 15 фоиз мажбурий ушлаб қолинишини айтди.

У ходимларнинг қарзи бўладими йўқми, бундан қатъи назар ушланади, деб айтди. Агар электр учун пул ушлаб қолинмай ойлик берган банк бошлиқларининг калласини олишга ваъда берди. Биз ёшлар йиғилишдан чиқиб, ўзимизча му-



хокама қилдик: бизнинг туманда 30 фоиз аҳоли газ билан таъминланган бўлса, электрни гапирмасаям бўлади. Бир кунда 3 соат берилади бўлмаса, шу ҳам йўқ.

Каримов ва унинг шоқоллари нимани мўлжал қилган ўзи? Ҳатто ногиронларнинг пенсиясига ҳам кўз тикишмоқда. Бу қасамхўрлик ва кўрнамаклик ку...

Андижондан ЎХХ хайрихоҳи

“ОРЗУ” БОЗОРНИНГ ОЧИЛИШИ – САВДОГАРНИНГ ОРЗУСИ

Ўзбекистонда ишсизлар сонининг ортиб бориши, ёки кишилар меҳнати учун тўланадиган ҳақнинг камлиги боисидан кўпчилик ўзини Россияга мардикорликка, ёки ўз маконидаги бозорларга урган. Савдоси юриб турган экан, савдо аҳли ҳар қалай кўнгли тўлиброқ яшай олади. Қарши шаҳри ҳам ҳозирда “бозорларга бой” шаҳарлардан биридир. Бозор бўлмаса кўча-куйда ҳам савдо кетаверадиганлар топилади. Аммо ҳокимият ва солиқ идоралари мана шу бозорларда гоҳида рейдлар ўтказиб туришлари, баъзида эса уларни ёпиб юборишлари ҳам кузатилиниб туради. Яқинда Қарши шаҳридаги “Орзу” буюм бозориди ҳам савдогарларнинг норозиликларини бошланди.

2 март куни тонги соат 10.00 лар чамасида бу бозорига ташриф буюрдим. Воқеъликни ўрганиш, унга нисбатан ба ҳоли қудрат, бирор хулоса бериш мақсадида. Камида минг одам савдо қилиши айтилаётган бу бозор атрофида савдогарлар туришган экан. Бозор ичи эса хувилаётган ётибди. Уларнинг баъзиларининг қўллариди видеоаппаратлар ҳам бор эди. Балки бирор кор-хол рўй берса уни тасвирга тушириб олишни ҳам мўлжаллашгандир. Бозор маъмурияти раҳбарларидан бирортасини учратиб, масалага ойдинлик киритиб олиш ниятим бор эди. Мени бозор назоратчи йигитларидан бири қарши олди.

“Раҳбарлардан ҳеч ким йўқ”, — дейди назоратчи йигит. Назоратчи йигит бунда бозорқўм Орзуев эканлигини ва ҳозир уйларида ётганлигини ва бугун кела олмаслигини ҳам тушунтирган бўлди.

Бозорда мен деярлик ҳеч кимни кўрмадим, ҳар қалай, бозор маъмурияти ходимларидан. Атрофда фақат милиция ходимларини ва масъулияти юксак бўлмаган битта, ёки иккита бозорқўм идораси хизматчилари бор эди. Ҳафсалам пир бўлиб чикиб кетаётгандим, гавжум турган савдогарлар орасидан садо келди:

“Улар ҳокимиятда юришибди”!

Бозор ташки дарвозаси пештокида эса бир эслатма илиғлик экан. Унда шундай ёзилган: “Қарши шаҳар ҳокимининг 13 февраль 2013 йилдаги Х-107/2 сонли қарорига мувофиқ Орзу Савдо мажмуаси реконструкция муносабати билан вақтинча фаолиятини тўхтатади”.

Бу илгинган ёрликни ўқиган кишида бозор бугун, ёки эртага очилиб қолади деган тасаввур ҳосил бўлади. Савдо мажмуасининг қачон ёпилиши аниқ

кўрсатилган бўлсада, унинг очилиши санаси, ёки таъмир ишларининг қачонга давом этиши эслатилмаган ҳам. Шу сабабдан ҳам бозор савдогарлари ҳар кун бозорга қатнайдиغان одат чиқаришган экан.

Қашқадарё вилоят телевидениясида ўтказилган телемулоқотда ҳам “Орзу” бозорини таъмирлаш ишлари 2 ойдан 3 ойгача давом этиши эслатиб ўтилган. 2 ва 3 ойгача савдогарлар савдоларининг тўхтаб қолишдан воҳимага ҳам тушишган. Эл орасида бозор ўрнида бошқа нарса қурилади ёки бозор қайтадан қурилади деган миш-мишлар ҳам тарқалибди.

Лекин шунда ҳам бу бозорнинг тез кунда очилишига ишонганлар бўлган. Тахминан 27, ёки 28 февраль кунларида бозор маъмурияти раҳбарларидан биридан бозорнинг қачон очилишини сўраганини савдогарлар айтиб қолишди. Уларнинг савдога жавоб берган масъул бозорнинг энди умуман очилмаслигини билдириб ўтган экан.

Бу гапни эшитган савдогарлар орасида тирикчиларидан айрилиб қолиш ташвиши кўтарилди. Улар орасида бозор маъмуриятидан дўконларни катта микдорда пул тўлаб сотиб олганлар ҳам анчагина. Бозор ҳовлисини кўздан кечаркансиз, дарҳақиқат бу ерда ёнғин хавфининг олдини олиш тадбирлари кўрилмаганлигини пайқаш мумкин. Агар бирор кор-хол рўй бериб, ёнғин чиқса ёнғинни ўчириш учун келадиغان машиналар ҳовлида ҳаракатлани олмайди. Бунинг учун йўл қолдирилмаган. Баъзи дўконлар ораси жуда ҳам тигиз. Айтишларича, декабрь ойининг тахминан 17 кунда бу ердаги 5 та дўкон ёниб кетган экан. Бозор шу сабаблик ёпилганлигини тахмин қилади мен билан суҳбатлашган савдогарлардан бири. Тағин унинг тахминига кўра, бу ёнғин электрдан фойдаланиш хавфсизлигига риоя қилинмагани ортидан чиққан.

Шу кунларда Қашқадарё телевиденияси орқали ўтказилган очиқ мулоқотда бозорқўм Орзуев (ҳар чанд уринмайлик, у кишининг исмини била олмадик) мажмуа ичида 100 ноқонуний дўконларни кўриб олганлиги факти келтирган. Савдогарлар эса бу ноқонуний қурилганлиги айтилаётган дўконларни ўз пулларига сотиб олишган. Бозорда савдогарларнинг кўпчилиги ўз шахсий дўконларига эга бўлса, тағин қанчалари ижарада туриб савдо қилишади.

Бу ерда томошобинга ўхшаб туришдан наф йўқ эди. Мақсадим, бозор раҳбарларидан кимнидир кўриб гаплашиш.

“Қачон очиларкан?” — сўрайди савдогарлардан бири. Чамаси, савдогарлардан баъзилари мени муҳим масалани ҳал қилиб беришга қурби етадиган масъул шахс деб ўйлагандир.

“Буни ҳокимиятдан сўраб билиш керак. Улар билади, маъсуллари бор-ку”, — дея жавоб бераман.

Шу мақсадда вилоят ҳокимлиги томон йўналдик. Биз уч киши эдик: мен ва икки нафар савдогар.

Шу кунни шанба бўлгани учунми, ҳокимликдагиларнинг ҳаммаси шанбаликка, ёки янғичасига қилиб айтадиган бўлсак — ҳашарга чикиб кетишган экан. Фақат хатлар бўлимида ишлайдиганларнигина учратдик холос. Савдогарлар ҳашар бўлаётган жойга ҳам боришмоқчи эди. Уларни бу мақсаддан қайтардим: “Овора бўлганларингиз қолади, яхшиси кетдик”.

Ҳамроҳларим ҳокимият биноси ташқарасида “Орзу” савдо мажмуаси раҳбарининг ўғли Аслиддин Орзуев турганини кўриб қолишди. Бу орада улардан бири, савдогар аёл Нигора опанинг мобиль телефонига ҳам кўнғироқлар кела бошлади. Нигора опа бизга кўшни аёл. Мен эса кўп холларда мобиль телефонимни ўзим билан олиб юрмайман. Шунга уйимдагилар мен билан алоқага чиқиш учун Нигора опага кўнғироқ қилишаётган экан.

“Уйингдан, сени милисалар кидиришаётган экан”, — дейди Нигора опа.

“Нега кидиришади, ахир бозор ичида, ўша милисалар олдида эдимку”, — таажубланаман.

Телефонга жавоб бердим. Янгам эканлар. Гаплашиб ҳокимиятда турганимизни ва ҳозир уйга қайтишимни билдирдим. Чунки ёнимизда айни биз кидираётган инсооннинг ўғли турган эди. Мен у кишини танимасдим. Таништириб ҳам кўйишди. Янги танишимдан бозор нимага ёпилганлигини сўрадим.

“Опа, ёнғин чиққан эди кишда”, — тушунтириш берди у.

“Дадангизни кўрмоқчи эдим, қаердан топсам бўлади?” — сўровда давом этаман.

“У киши Тошкентдалар, яқин орада топа олмайсиз.” — жавоб берди “бозорқўмнинг” ўғли Аслиддин Орзуев

Бизни, айниқса савдогарларни бозор қачон очилиши, ёки очилмаслиги кўпроқ қизиқтираётганди. Суҳбатдошимизнинг кўлида “генплан” деб номланган лойиҳани кўрдик.

“Мана опалар, рухсат бор. Фақат вилоят ҳокимияти печат босса бўлди. Бир, икки кунда очилиб қолади.” — дея ҳужжатларни кўрсатди у. Бу ҳужжатда бир қанча ташкилотларнинг муҳри босилганини ҳам кўрдик.

“Опа бизни бозор бюджетга 300 миллион соф даромад келтирар экан, уни ёпиш бюджетга зарарку.” — тағин кўшимча қилди Аслиддин Орзуев.

Энди фақат бозорнинг очилишини кутиш лозим. Савдогар аёлларнинг кўнгли жойига тушди ва ҳокимлик ҳовлисини тарк этдик. 2 март куни кечкурун вилоят телевиденияси орқали бир неча кун ичида “Орзу” бозори очилади дея хабар тарқатилган экан. Бу лавҳани қаршилик ҳуқуқбон Нодир Ахатов ҳам кўрган экан.

Ҳокимлик ваъдасига вафо қиладими, ёки йўқ, буни яқин орада “Орзу” бозори савдогарлари аниқ билиб олишади. Ҳозирча унинг очилиши — бу бозорда савдо қиладиган савдогарларнинг орузси бўлиб қолаётди.

Гулшан Қорасева

ЎЗБЕКИСТОН: ЎМХХТГ ЯНА ҚИЙНОҚЛАР ҲАҚИДА ХАБАР БЕРМОҚДА

Тошкент вилояти Қибрай тумани “Маданият” маҳалласининг етти нафар фуқароси қонунга хилоф тарзда ушланиб ҳибсга олинди, уларга нисбатан электр токидан фойдаланиш йўли билан қийноқлар қўлланди, дея маълум қилади Ўзбекистон Мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи (УМХХТГ).

ЎМХХТГ раиси Сурат Икрамовга кўра, ҳибсга олинганларнинг бари 25-27 ёшли тадбиркорлардир. Уларнинг биринчисини 2012 йил 28 декабрь куни, қолганларини 2013 йил 6 январь куни ҳибсга олдилар. Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси терговчиси улар Ўзбекистон Жиноят кодексининг 244-3 (“Диний мазмунидаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш”) ва



246 (“Контрабанда”) моддалари бўйича гумонланаётганларини билдирди.

Маҳбусларнинг уйларида санкциясиз тинтув ўтказилди, аммо тақиқланган ҳеч нарса топилмади. Тадбиркорларнинг паспортлари ва уяли телефонлари олиб қўйилди, ўзларини эса Тузел посёлкасидаги ИИВнинг махсус қабулхонасига жўнатилди.

7 январь куни уларни Тошкент вилояти ИИБ тергов изоляторига сўроққа тутиш учун олиб келинди, бу ерда ўн кун давомида сақландилар ва кейин яна Тузелга қайтарилдилар. Тергов давомида маҳбусларга нисбатан электр токи ёрдамида қийноқлар қўлланди, дейди Сурат Икрамов.

Ўттиз кун ўтиб маҳбусларнинг олтитасидан яшаш жойини тарк этмаслик тўғрисида тилхат олиб, қўйиб юборилди. Уларга махсус қабулхонадаги шароит ва қийноқлар ҳақида бировга оғиз очмаслик, адвокат ёлламалик буюрилди ва ҳатто кимгадир ёрдам сўраб мурожаат қилиш тақиқлаб қўйилди. Тадбиркорлардан бири ҳозиргача ҳибсда сақланмоқда.

fergananews.com

ЧИНГА «СОВҒА» ҚИЛИНГАН ТУРКИСТОН ЕРЛАРИ

Бундан 2 минг йилча илгари яшаб ўтган, Чин билан доимий равишда мустақиллик урушлари олиб борган ва ўша пайтларда «Хун» номи билан аталган Турк қабилалари ўз ватанларининг ҳар бир қарич ерлари учун жон ва молларини, бугун борлиқларини фидо қилганликлари ҳақда ҳикоя қилувчи шундай ибратли бир ривоят бор:

Хун ҳукмдори Метехонга Чин империяси ҳукмдори бир элчи юбориб, унинг сеvimли отини унга совға қилишини сўрайди. Метехон ўз ҳалқи тинчлиги ва фаровонлигини ўйлаб, аъёнларининг норозилигига қарамай, ўзининг сеvimли отини Чин императорига совға қилади. Бундан руҳланиб кетган Чин ҳукмдори бир оз вақт ўтгач, Метехондан унинг хотинларидан бирини совға сифатида юборишини сўрайди. Метехон ўз вазири ва аъёнлари билан узоқ мунозара ва тортишувлардан сўнг, сурбет Чин ҳукмдорининг бу ҳақоратли таклифини ҳам қабул қилади.

Бир оз вақт ўтгач, Чин ҳукмдори энди Метехондан Хун салтанатига қарашли кичиккина, тоғу-тошдан иборат, унумсиз ерни ўз тасарруфига беришни илтимос қилади. Шунда Метехон ўз аъёнларига: «Урушга ҳозирландинг!» дея буйруқ беради. Бундан ҳайратланган аъёнлар ва вазирилар: «Сиз уруш чиқмасин, деб, ўзингизнинг энг сеvimли отингизни, сеvimли хотинингизни Чин ҳукмдорига совға қилдингиз, энди шу бир парчагина, унумсиз, тошлоқ ер учун буюк бир давлатга қарши уруш очмоқчимисиз?» дея савол беришади. Метехон бунга жавобан: «От ва хотин менинг мулким эди, аммо ер меники эмас, ҳалқникидир.

Уни бировга беришга ҳаққим йўқ», дейди ва Чин билан уруш бошлаб, ғалабага эришади, ўз салтанати ҳудудларини яна ҳам кенгайтиради.

Ватанпарварлик намунаси бўлган бундай ривоят орадан 2 минг йил ўтиб, Туркистон ерларида тескари шаклда рўй кўрсатиши мумкинлигини ким ҳам ҳаёлига келтирибди, дейсиз. Бугун кўҳна Туркистон ерларида ўз мансабини сақлаб қолишдан бошқа нарсани ўйламайдиган собиқ коммунист диктаторлар муборак ерларимизни заррача иккиланмай Чинга совға қилиб юбормоқдалар.

Илгарироқ Қирғизистон ҳукумати 87 минг гектарлик Туркистон ерини Чинга бериш ҳақда қарор чиқарган ва бу қарор республика парламентида тасдиқланган эди. Энди Тожикистон ҳам ўзига қарашли 1000 квадрат километрлик ҳудудини Чинга бериш ҳақда Хитой билан битим имзолади. Қирғизистон ҳукумати ҳатто ўз ҳалқига қарши олиб борилаётган бундай хиёнаткорона сиёсатга норозилик билан чиққан кишиларни ўққа тутиб, беш нафарини ўлдирди, 80 га яқин кишини яралади.

Умуман, кўҳна Туркистон ерларини парча-парча қилиб, ҳукмронлик қилаётган бу диктаторлар ер масаласида фақат бир-бирларига қарши аёвсиз ва «принципиал» позиция тутадилар ва ҳатто бир неча гектар ернинг қўшни Қирғизистон ёки Ўзбекистонга ёки бўлмаса, Қозоғистонга ўтиб кетмаслиги учун, азалий қардошлик ичида яшаган халқлар ўратсида уруш бошлашга ҳам тайёрликларини пеш қилмоқдалар.



Хусусан, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида тортишилаётган Туркистон қишлоғи ва бошқа ерлар, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида тортишилаётган «анклав» ҳудудлар, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳудудий иддаолар, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги даъволар шулар жумласидандир. Яъний, бу ерлардаги маҳаллий ҳукмдорларнинг бутун «шижоати ва қахрамонлиги» фақат ўз қардошларига етмоқда. Улар фақат ўз қардошлари билан юзма-юз тургандагина «ватанпарвар» ва «миллатпарвар» бўлиб қолмоқдалар.

Кўҳна Туркистон ерларида янги типдаги, халқсевар сиёсатчилар ҳокимиятга келмас экан, бу ҳудудлардаги халқларнинг фақат бугуни эмас, балки, келажаги ҳам қоронғулик ичида қолаверади.

Мақсуд Бекжон

Гулнора Каримова ўзбек нуфузли криминал авторитетига қарши уруш очди, уни ўрнини эгаллаш учинми?

Ўтган сешанбада ferganapews ахборот агентлиги Ўзбекистонда Тошкентда туғилиб ўсган Ғофир Раҳимовга нисбатан кидирув эълон қилинганлиги ҳақида маълумот тарқатди. Мазкур хабарда айтилишича, бундай қарорнинг мағни Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг терроризм ва коррупцияга қарши кураш бўлими раҳбарлари номидан Ўзбекистоннинг барча милиция бўлимларига юборилган. Хужжатда кидирувда бўлган шахсни эҳтиёт чора сифатида қамокқа олиш ҳамда унга нисбатан Миллий Хавфсизлик Хизмати томонидан жиноят иши ҳам қўзғатилганлиги таъкидланган.

Бу хабар шов-шувлик хабарлар сарасига киради. Ўтган йили бу сатрлар муаллифи Ўзбекистонда катта нуфузга эга бўлган кишилар билан суҳбатда бўлган. Бу суҳбатларда улар давлатнинг энг юқори мансабдорлари, жумладан биринчи шахс ва унинг оиласи хусусида ҳам “эркинрок” гапиришни ўзларига раво кўришганди. Бироқ мавзу Ғофирга келганида – бутун Ўзбекистонда кидириладиган шахснинг исми айнан шундай, - суҳбатдошлар шу заҳоти бунинг – таъқиқ мавзу эканлигини ифодалашарди. Чунки бу одам шу даражада хавфлик ва кучлики, ҳатто ундан президентнинг ўзи ҳам хавфсирайди.

Балки унинг сўнишининг бош сабаби ҳам шу бўлса керак. Собиқ боксчи ва тужжор, Ўзбекистон бокс федерациясининг вице-президенти лавозимида бўлган, Республика Олимпия кўмитаси раҳбарининг муовини, Осиё бокс федерацияси секциясининг, ҳамда Халқаро хаваскор боксчилар федерацияси Осиё секциясининг президенти, “баъзи маълумотларга кўра” ўз шахсий армиясига, сифат ва сони жиҳатидан бошқа криминал гуруҳлардан фарқ қиладиган ўз хавфсизлик хизматларига ҳам эга бўлган. У Тошкентда энг юқори даражадаги шахслар билан, жумладан махсус хизматлар билан ҳам бевосита алоқаси бўлган шахс эди.

У Ўзбекистон халқи эҳтиёжларини қондираётган норасмий озик-овқат махсулотлари савдосидаги контрабанданинг асосий бўлагини назорат қиларди. Бу эса Ўзбекистондаги кичик ва ўрта бизнеснинг ўзак тизимидир. ОАВ Ғофирни Ўзбекистон орқалик ўтаётган наркотрафиклар раҳбари сифатида ҳам кўрсатиб ўтган, шу билан бирга унинг Марказий Осиё ва Россиядаги криминал тузилмалардан иборат бўлган халқаро наркосиндакатлар билан алоқаси борлиги ҳақида ҳам ёзишган. Бошқа бир томондан эса, унинг дунёдаги ҳамма мамлакатларида фаолият олиб борадиган расмий бизнес тузилмалари, шунингдек МДХ мамлакатларининг Россия ва Исроилда ўрнашиб олган бир қанча олигархлар билан бўлган яқин алоқаси кўпчилигига аёндыр.

Сўнги вақтларда Ғофирнинг жуда ҳам хавоси кўтариб кетганлиги ва президент томонидан истамаган одамлар қаторига тушиб қолганлиги учун ҳам қулаганлиги ҳақида турли миш-мишлар айтилаётганди. Айниқса у Европада ўзига нисбатан “лозим бўлмаган” диққатни жалб қиладиганди, айниқса АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш ор-

ҒОФИРНИНГ ҚУЛАШИ

ганлари расман уни халқаро жиноий гуруҳ аъзоси сифатида кўриб, унга кизикишлари ортиб бораётганди. АҚШ молия вазирлиги унинг шахсий мулкига нисбатан ҳибс эълон қилишни ҳам маслаҳат берди. Ғофир Республикани тарқ этди, Россия фуқаролигини қабул қилди, Ўзбекистондаги спорт лавозимларини ҳам қолдириб кетди. Аммо унинг “армияси” қолди. Ким унга нисбатан бундай қақшатқич зарба беришга қодир бўлди экан?

Бу савол билан муаллиф Россиянинг махсус хизматлари маълумотларидан яхши хабардор бўлган манбаларга мурожаат қилди. Жавоблар эса бир хил эди: Раҳимовнинг кидирувга берилгани – бу сўнги бир ярим йил ичида Ўзбекистонда бўлиб ўтган “кенг қамровлик қўлга кириштиш курашининг” сўнги нуқтаси эди. Бунинг натижаси – Ўзбекистон президентининг қизи Гулнора Каримова томонидан Ғофирнинг (шунингдек яна бир қудратлик авторитетлардан бир бўлган Салим Абдуллаевнинг ҳам) ўз позицияларидан қувиб чиқарилиши бўлди.

Манбанинг сўзларига қараганда, ҳозирда Ғофирнинг назорати остида бўлган ва унга ўлпон тўлашга мажбур бўлган барча структуралар сурбетларча тортиб олинмоқда. Булар бугунги кунларда Гулнора ўзига ўнглаб олаётган ёқилғи қуйиш станциялари, кафелар, магазинлар ва кичик бизнес тармоғининг бошқа турларидир. Манба бунга қиёсан тарзда, Қозғоғистонда 2000 йиллар бошида “эркин бозорда” бемалол, бирор жавобгарликдан ҳам ҳайқмай фаолият кўрсатган Раҳат Алиевни мисол тариқасида келтириб ўтди.

Ҳақиқатда эса, суҳбатдошимиз эслатиб ўтганига кўра, Ғофирни наркотрафикнинг ўзбек секторидagi фаолияти бўртириб кўрсатилгандир – бу бўлинма назоратини Республикада куч ишлатар тизимлар амалга оширади, шунда ҳам фақатгина шахсий бойлик ортириш учун эмас, балки шахсан ўзларининг хориж мамлакатларидаги фаолиятларини молиялаштириш учун ҳам шундай қилишади. Шу сабаб ҳам, Ғофирга жуда кичик бир қисм насиб этарди ва айни мана шундан келиб айтиш мумкинки, “кенг қамровлик мустақил тортиб олишлар” ҳақида ҳақида гап бориши ўринсиз ҳамдир.

Куч ишлатар тизимлар эса атрофга разм ҳам солмай, эҳтиёткорликсиз қаппайиб бораётган Гулнора Каримова империясини фақат кузатиб туришибди холос. Улар ҳозирда Гулнорага қарши компромат йиғишмоқда, лекин камдан кам ҳолларда унинг ҳаддан ошиб кетган чегараларни белгилашади, худди яқин ўтмишда ўзининг яқин қуршовидаги одамларидан бири бўлган Рустам Азимовнинг қамокқа олинганидек, лекин “трафик”ни ҳеч қачон бошқа бировга бериб қўйишмайди.

Муаллифнинг бошқа бир суҳбатдоши бўлган Россия тижорий тизимлар хавфсизлик хизмати ходими “Ғофирнинг қулаши” ҳукумат биринчи шахсининг АҚШ томонидан қўлланилиб келаётганига миннатдорчилик белгиси эканлигини айтиб, Вашингтоннинг Раҳимовга нисбатан илтимосини қаноатлантириш билан жавоб берганлигини баён қилди.

Боз устига, кидириладиган шахснинг ўзи эндиликда Ўзбекистон фуқароси эмас – у Россия фуқаролигини қабул қилган, унинг асосий яшаб турган макони эса – қуёшлик араб мамлакатларидан бири. Ғофир Каримовлар “оиласи” билан кўзга кўринарлик молия алоқаларига эга эмас, шунинг учун ҳам унинг Америка Фемидасини кизиктирадиган махфий ишларини очиб ташлаш “оилани” ташвишлантирмайди. Бундан ташқари, “оила” раҳбарининг фикрича, бу иш Ғофирнинг қамалишигача олиб бормади. Бу асосий вазифани россияликлар амалга оширишлари керак, Россияда эса Раҳимовнинг алоқалари улкан. Бундан ташқари ким ҳам унинг криминал обрўсини ҳисобга олмай туриб бунақа буйруқ чиқара оларди. Ахир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Дед Хасанга, токи унга ўзларининг одамлари тегишмагунларигача тегинишмаётгандику. – деган далилни келтирди суҳбатдош.

Ўз навбатида Россия махсус хизматларидаги манба шуни ҳам келтириб ўтдики, келгусида Гулноранинг Ўзбекистондаги мавқеъининг кучайиши Москвага қандай нохуш истикболларни ваъда этишига қарамай, Кремль Каримов билан муносабатларининг иликлашувини кутмоқда. Манбага кўра, Тошкент яқин бир, бир ярим йилдан кейин давлат бошқарувидаги юқори лавозимлардан бирига Россияпараст лоббига боғлиқ шахсни келтиришга ва бу билан қилиб ҳозирги “америкага оғиш” муаммосида мувозанатни таъминлашга ваъда берган.

Шунинг учун Кремлдагилар Ғофирнинг таъзирини бериб қўйиш ҳақидаги Тошкент истақларига лаббай дейиши мумкин. Аммо ижрочилар орасида бу вазиятда унчалик ҳам жонбозлик кутмаса бўлади, боз устига куч ишлатар тизимларда Каримовга ишонмай қўйган ва бу ишонсизликнинг ҳаётда исботланишига ташна бўлган анча улкан гуруҳлар бор. Бундай вазиятда Ғофир зиддиятда бўлган “россияпараст лобби” уни ўз тарафида захирада тутишни маъқул кўришади.

Эҳтимол Ғофирнинг Каримов олдида оқланиш имкони бордир. Мухолифатда бўлган УХХ нинг лидери Муҳаммад Солиҳ ўтган чоршанба куни журналистларга айтишича бу имкон Ғофирга Тошкент тарафидан тақдим этилган, яъни унга юқори мулозимни юбориб оддий бир таклиф айтилган: гўёки, мана сени “ота” олдида ёмон отлик қилишди, гўёки мухолифат билан тил топишган эмишсан, бас энди бунинг ёлғон эканлигини амалда исботла, шунда сени кечирашади.

Яна шуни ҳам эслатиб ўтиш мумкинки, 2000 йилларнинг бошида ғарб ОАВ шунга ўхшаш, яъни 1999 йилда Ўзбекистон ҳукумати томонидан бир ўзбек бизнесменига киритилган таклиф ҳақида ёзилганди. Унда гап Солиҳнинг йўқотилиши ҳақида гап борганди.

Сўзимиз сўнгида шуни таъкидлаб ўтамизки, номлари зикр этилган шахслар ҳақида манбалар муаллифга бирор хужжатли далил келтирган эмаслар, шунинг учун мазкур шахслар айбсизлик презумпцияси доирасида қоладилар.

ҲАЛҚНИНГ ЗАЛОЛАТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН «ЁРДАМ»ЛАР

АҚШ давлат Департаменти тарқатган маълумотларга кўра, 1992 йилдан бери, яъний, сўнгги 10 йил давомида АҚШ, Ўзбекистонга турли ҳил дастурларни амалга ошириш учун 444,3 миллион долларлик ёрдам берган. Шу билан бирга АҚШдан Мудофаа вазирлиги тармоғи бўйича ва инсонпарварлик ёрдамлари шаклида Ўзбекистон яна 148 миллион долларлик ёрдам олган.

2002 йилда эса, АҚШ Ўзбекистонга 193 миллион доллар ёрдам пули берган. Бу пуллар қуйидаги дастурлар учун тақсимланган:

- *Демократия ривожини учун* – 14,4 миллион доллар;
- *Бозор ислохотлари учун* – 2,9 миллион доллар;
- *Хавфсизлик учун* – 59,8 миллион доллар;
- *Инсонпарварлик ёрдами* – 70,4 миллион доллар;
- *Тармоқлараро ташаббуслар учун* – 45,5 миллион доллар.

Кўриб турганимиздек, берилаётган қарзларнинг ҳаммаси энг эзгу ниятлар учун, дея берилган. Берилган бу ёрдамлар натижаси қандай бўлди? Бугун биз Ўзбекистондаги демократия даражаси ўтган йилгидан кўра, ҳеч бўлмаганда шу берилаётган пулларнинг миллиондан бири миқдоридан ошди, дея оламизми? Табиийки, йўқ. Албатта, озодлик баҳосиздир, у пул билан ўлчанмайди. Айниқса, демократия учун, деб берилаётган бу пуллар айнан ўша демократия гўрковлари кўлига берилаётган бўлса...

Бошқа яхши ниятлар учун берилган пулларнинг тақдири ҳам ана шундай бўлаяпти. Халқаро кузатувчилар АҚШ ўз ташқи стратегиясини «антитеррор», деган заминга қуракан, Марказий Осиёдаги диктаторлик режими билан ҳаддан ташқари яқин алоқа қураётганлигини анчадан бери танқид қилиб келмоқдалар. Аммо бу танқидлар ҳозирча АҚШнинг Марказий Осиё диктаторларига бўлган муносабатини ўзгартира олгани йўқ.

Ўзбекистондаги режими репрессия машинаси эса, дунёнинг турли давлат ва ташқиотларидан олинаётган қарзлар эвазига янада тезроқ, янада шафқатсизроқ ишламоқда.

Қарз олар экан, ҳукумат айна пайтда ўзи шундоқ ҳам аранг тирикчилигини қилаётган чакана савдогарларни, яъний, жамиятнинг ўрта синфини яратишга урунаётганларни ҳам ўзининг чегара билмас солиқлари билан эзиб ташламоқда.

Масалан, Ўзбекистон ҳукуматининг шу йил 1 июн куни чиқарган «Шахсларнинг Ўзбекистон жумҳурияти ҳудудларига товар олиб киришини тартибга солиш ҳақида»ги қонуни, тижорий қатламга қарши қаратилган ана шундай фармонлардан бири бўлди.

Бу янги қонунга кўра, савдогарлар мамлакат ҳудудига олиб кирган озиқ-овқат товарлари учун божхонада ўша товар нарҳининг 50 фоизлини,

саноат моллари учун эса, 90 фоизини тўлаши лозим. Фақат шу миқдор пул тўланганидан сўнггина, савдогарнинг кўлига бу молни қонунлаштирадиган ҳужжат берилади. Акс ҳолда, рўйхатдан ўтмаган, яъний, бож солиғи тўланмаган моллар ноқонуний мол сифатида мусодара қилинади.

Савдогарлар фикрича, бундай қонун, чакана тижоратни умуман йўқ қиладиган қонунлардандир. Бу янги қонундан Тошкент бозорларидаги Ўзбекистонга мол олиб кирмаган савдогарлар ҳам зарар кўра бошлаганлар. Миршаблар янги қонун бўйича улардан ҳам божхонанинг регистратсия қоғозини талаб қилиб, молларини мусодара қила бошлаган.

Савдогарликдан ташқари, ўзбекларнинг қатга қисми мамлакат ичкараси ва ташқарисида ёлланма ишчи бўлиб ишлашга мажбур бўлмоқда. Улар собиқ совет ҳудудлари ва ҳатто хорижий мамлакатларда ҳам энг қора ишларни бажариб, оиласини боқишга ҳаракат қилмоқда. Табиийки, бу мамлакатларда уларни ҳеч қим очик юз билан кутиб олаётгани йўқ; улар доимий равишда миршаблар ва маҳаллий ирқчи гуруҳлар тазийқлари ва таҳдидлари остида яшашига маҳкум бўлганлар.

Яқинда Русия миллатчилари лидерларидан бири Владимир Жириновский келгинди осиелик ва африкаликларга қарата бир мурожаат таратди: «Мана, сизлар бу ерда яхши ҳаёт қанақа бўлишини кўриб олдинглар, энди боринглар-да, ўз ватанларингизда мана шундай ҳаётни кураинглар», дейди Жириновский ўз мурожаатида.

Бундан ташқари, АҚШ Давлат Департаменти экспертлари тарқатган маълумотларга қараганда, Марказий Осиё давлатларидан, шу жумладан, Ўзбекистондан ҳам, жуда кўп аёл ва эркаклар қул сифатида чет элларга сотилмоқда. Эркаклар, асосан, арзон ишчи кучи сифатида сотилса, аёллар фоҳишалик учун сотилмоқда экан.

Бу қулларнинг асосий транзит маскани Козоғистон бўлиб, у ердан улар Араб Бирлашган Амирлиги, Юнонистон, Қибрис, Франция, Италия, Португалия, Швейцария, Белгия, Жанубий Корея, Туркия, Исроил ва Албания каби давлатларга сотилмоқда. Яъний, қулдорлик, қул тижорати ҳатто Ўрта асрларда ҳам бу қадар кенг ёйилмаган эди, дейиш мумкин.

Хуллас, Жаҳон давлатлари ва турли банк ва фондлардан Ўзбекистон олаётган қарзлар нафақат халққа нафи тегма-япти, балки, халқ чекаётган қулфатларнинг янада узайишига сабаб бўлмоқда.

Максуд Бекжон
09.07.2002

ЎЗБЕКИСТОНЛИК АЁЛЛАР ХОРИЖГА ЧИҚИШ УЧУН ҚИРҒИЗ ПАСПОРТИНИ СОТИБ ОЛМОҚДА



Ўзбекистонлик 35 ёшга тўлмаган аёллар Қирғизистонга келиб, хорижга чиқиш учун Қирғизистон паспортни сотиб олмоқда.

Бу ҳақида парламент депутаты Ирғал Қадиралиев сўзларига таянган ҳолда Қирғизистон телеграф агентлиги хабар тарқатди.

Қирғизистон парламенти халқаро масалалар қўмитасининг 4 март кунги йиғилишида Қадиралиев ўзбекистонлик 22 нафар аёл Қирғизистон паспорти билан ушланганини айтган.

- Ўзбекистонда 35 ёшгача бўлган аёлларнинг хорижга чиқишига чеклов амал қилмоқда. Шунинг учун улар Қирғизистонга келиб, паспорт олиб, бошқа мамлакатларга чиқиб кетмоқда, — деган Қадиралиев.

Депутат Ўзбекистон ҳукумати хотин-қизлар хорижда фоҳишалик билан шуғулланишининг олдини олиш учун шундай чеклов жорий қилганини баён қилган.

CA-NEWS ахборот агентлиги хабарига кўра, Қирғизистон парламенти қўмитаси йиғилишида 23 ёшга тўлмаган қирғизистонлик хотин-қизларнинг чет элга чиқишини чеклаш назарда тутилмиш қарор лойиҳаси муҳокама қилинган.

Ҳужжатда 23 ёшгача бўлган аёллар хорижга чиқиш учун ота-оналаридан рухсат олиши шарт қилиб белгиланган.

ozodlik.org

«ТОШКЕНТДА БАҲОР»





Алексей Малашенко: - Бир сўз билан жавоб бераман: йўк. Якин орада бўлмаса ҳам керак, деб ўйлайман.

«Фаргона.Ру»: - Солих бу ролга тўғри келадими?

Алексей Малашенко: - Мутлақо йўк. Мен унинг Каримов билан рақобатлашиб, 90-йилларнинг бошидаги сайловларда канчадир фоиз овоз олган даврлари қайтмас бўлиб ўтиб кетган, деб ҳисоблайман. Мен унинг томири ердан узилган, деб ҳисоблайман. Ва бунинг сабаби унинг ёмонлиги учун эмас, вазиятнинг объектив равишда шундай бўлиб қолганида. Умуман олганда, унга у ерда илдиз отишга имкон беришмади. Мен унинг ташкилотчи эмас, қандайдир рамз ҳам бўла олишига ишонмайман. Ҳамма нарса таққослаганда билинади. Мамлакат худудиди ўрнаша олмаган Озарбайжондаги Расул Гулиевга қаранг. Қожегелдинга қаранг. Мен бу одамларнинг даври, қанчалик ачинарли бўлмасин, ўтиб кетган, деб ҳисоблайман.

«Фаргона.Ру»: - Муҳаммад Солихнинг ҳаракатлари қандай оқибатларга олиб келиши мумкин ва умуман ана шундай оқибатлар бўлиши мумкинми?

Алексей Малашенко: - Менинг ўйимча, ҳеч қандай оқибатлар бўлиши мумкин эмас. Бу стакандаги сувда кўтарилган бўрон. Америкадаги бу вазиятни ҳақиқатан яхши тушунган мутахассислар Ўзбекистонда нима бўлаётганини яхши билишади – улар катта хузур билан Солихга кулоқ тутгани келишади, бироқ бундан ҳеч нарса ўзгармайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам унга ишонишиб, қандайдир инқилоблар учун пул беришларига чуқур шубҳам бор.

«Фаргона.Ру»: - Ўзбекистонга машҳур «бахмал инқилоблари»нинг сценарийси тўғри келадими ва диктатор Каримов ҳокимиятининг «тинч йўл билан» ағдарилиши оқибатида Афғон ва Ироқдагига ўхшаган талотўп бўлиб кетиш хавфи борми?

Алексей Малашенко: Биласизми, ўзбек кўчаларига чиққан одамлар тўдасини мен ҳозирча тасаввур қила олмайман.. Андижонда қирғин бўлиб турганда на Наманган, на Кўқон, на Марғилон ва на Фарғонада ҳеч қандай тўдалар кўчага чиқмади.

МУҲАММАД СОЛИХ ФАРБНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ «ТИНЧ ИНҚИЛОБ»НИ ҚўЛЛАШГА ЧАҚИРМОҚДА

Ҳамма жойда тинчлик ва худонинг сукунати ҳукмрон эди. «Фаргона.Ру»: - Марказий Осиё мамлакатларида Фарб тушунчасидаги демократияга ўтиш мумкинми?

Алексей Малашенко: - Сиз бераётган савол долзарб эмас. Менинг бир америкалик танишим бор эди. Унинг ўзи айнан Марказий Осиё билан шуғулланарди. Ун йиллар аввал у менинг ўзим ҳам такрорлаган бир иборани ёзган: «Марказий Осиёда демократия ўрнатиш борасида ишлаётган америкалик элчилар ва маслаҳатчилар гўё Эфиопиянинг саҳроларида маккажўхори ўстиришга уринган совет кишлоқ хўжалиги мутахассисларини эслатадилар», деганди у. Мана шу позиция менимча кучаймоқда. Америкаликлар ҳозир Туркманбошига нисбатан ана шундай йўл тутмоқдалар ва менинг назаримда муваффақиятга эришмоқдалар.

Аждар Куртов, тарихчи, сиёсатшунос: Ҳозирча Солихнинг тилида, агар Ўзбекистонда Каримовнинг ҳокимияти ағдарилса, уч ой ичида мамлакатда янги парламент ва президент сайловларини ўтказиш мумкин, деган версия юрибди. Ундан кейин гўёки республикадаги вазият барқарорлашиб қолади. Менимча бу нуктаи-назар – дарвоқе, у Марказий Осиё давлатларидаги муҳолифатчи доиралардагина эмас, балки дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида ҳам кенг тарқалган – хаёлпарастликдир.

Солих, менинг билишимча, ўз вақтида таникли француз ёзувчилари ва файласуфларнинг асарларини таржима қилиб юрган ёзувчилар элитаси вакили бўлиб, тўқсонинчи йиллар бошларида биринчи президент сайловларида Каримов билан рақобатлашиб, ютқазиб қўйгандан кейин мамлакатни ташлаб чиқиб кетган. У ўзининг сиёсатчи сифатидаги янги сифатини тўғри қабул қилолмапти.

Мен 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошида Ўзбекистонда фаолият юритган «Бирлик» ва «Эрк» ташкилотларини яхши биламан. У пайтда Солихнинг сиёсий кредоси ўзбек тилининг мақомини ошириш, пахта монокультура бўлган кишлоқ хўжалигидаги совет ҳокимиятига хос бўлган оғишлар бўйича фаол мақолаларни чиқариш ва жамоатчилик фикрини тўлқинлаштиришдан иборат бўлган. Таълимни руслаштириш билан боғлиқ масалалар ва бошқалар. Мана шу нарсалар МДХ худудиди кўпинча маданиятли зиёлиларнинг кўли билан қилиниб, қон тўкилишига олиб келарди. Мисол учун Молдавияда шундай бўлди. У ерда “қайси тилда ёзиш ва гапириш керак”, “молдаван тили нима” деган тортишувлар натижасида мамлакатнинг бир қисми бўлиниб, Днепрбўйи Молдавия Республикасини тузишга мажбур бўлди. Ва бу мижоро халигача босилгани йўк. Менимча, сиёсатчи Солих ижодкор Солихга нисбатан анча ортда қолади. Бу шундай бўлиши ҳам керак.

Чунки Макс Вебер ёзганидек, сиёсатдаги Зиёли ўзини юксак ахлоқий мажбуриятлар (бу фазилат шубҳасиз Солихда бор) билан тутиб турмайдиган юзсиз, бюрократ сиёсатчидан ортда қолади”..

Агар зиёли Солих, ёзувчи Солих, шоир Солих сиёсий кураш йўлига тушган бўлса, у хоҳлайдими-йўқми, бу сиёсий кураш унга ўзининг мантик ва қоидаларини ўтказди. Сиёсий кураш эса, айниқса мана шундай қаттиқ шаклда олиб борилаётганда – ахир гап оддий ҳокимият алмашуви эмас, бутун бошли режимни ағдариш ҳақида кетяпти – бу кураш сиёсатчини иттифоқчи излашга мажбур қилади. Иттифоқчиларни «душманининг душмани – менинг дўстим» деган қоида асосида излашади. Шу ўринда, Ўзбек расмий давлат органларининг ўзбек зиёлиларининг бундай курашдаги иттифоқчилари ислом радикаллари бўлиши мумкин, деган шубҳалари мутлақо асоссиздир. Аммо шубҳали иттифоқчилар худди 1917 йилдаги большевик тўнтаришдаги каби либерал ўзбек муҳолифати курашидан устмонлик билан фойдаланиб, зарур пайтда уларни сиқиб чиқариб, ҳокимиятни эгаллаб олишлари мумкин. Марказий Осиё минтақасига бегона бўлмаган одам сифатида бунга хоҳламаган бўлардим. Сабаби, бундай ҳолатда Ўзбекистонгина эмас, балки бутун минтақа жиддий ижтимоий офатлар домига тортилган бўларди.

Ўзбекистонда кадрлар ўзгариши бор. Алматов кетди. Экспертлар уч куч қўлловчи структуралар - миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар ва ҳарбий маҳкама ўртасида кучларнинг ўрин алмашуви бўлаётгани ҳақида фикр юритишмоқда. Менимча, Ўзбекистон раҳбарияти ҳали шу кунгача ўзи таяниб келган резервларни ишлатиб бўлгани йўк. Вазият ҳали марксиз-сиёсатшунослар айтганидек, «инқилобий вазият» деб аташ мумкин бўлган нуктага етгани йўк.

Бундан ташқари, мен Каримов ва унинг режими ислоҳ қилинишга лаёқатли экани ва бунга биз охириги йилларда қўраётганимизга эътибор қаратмоқчи эдим. Солих ўйлаётганидек, Ўзбекистон халқи тўла ва бирдамлик билан янги муҳолифатчиларни, жумладан, унинг номзодини қўллаб-қувватлашига шубҳа қиламан. Ҳа, АҚШ ва Фарбий Европа қўллашлари мумкин. Бироқ сиёсий ҳокимиятга эришиш учун ресурс сифатида Марказий Осиё минтақасидан минглаб километр нарида жойлашган бунга ўхшаш ташқи ўйинчиларнинг ҳаракатлари камлик қилади. Бунинг устига АҚШ ҳаракатларининг сўнгги намуналари кўрсатиб турганидек, улар ўз мақсадларига кўп ҳолларда мурдаларни тепалаб ўтиб, маҳаллий аҳоли ва ўзлари режимини алмаштиришни ис-таган давлатларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмай эришадилар. Ироқ мисоли, умуман олганда, бунга ишончли далил бўлса керак.

ФИБРИЛ КОНВУЛСИЯЛАР (ФК)

Гиперфаоллик (Диккат тарқоклиги синдроми)

Охирги 25-30 йил муҳим болалик даври муаммоларидан бири бўлган бу синдром невробиологик бузилишдир.

Диккат тарқоклиги синдроми бўлган болаларнинг 30% муаммоси - концентрацияни йўқотиш. Уларда гиперфаоллик муаммоси йўқ.

Диккат тарқоклиги синдроми бўлган болаларнинг 70% эса гиперактив, ғалати ҳаракатланган, ташкилотчилигини йўқотган, бошлаган ишларини битирмаган, мактабда муваффақиятга эриша олмаган болалардир. Кўп гапиради, бошқаларнинг гапини кесади, кўп югуради, тепага тирмашади, бир жойда турмайди, ўтирмайди, ўтирса ҳам, оёқларини ликиллайтиб ўтиради.

Диккат тарқоклиги синдроми ўғил болаларда қизларга нисбатан 3 марта юқори кузатилди. Статистика бўйича гиперфаоллик болаларнинг 70% депрессия ва қўрқув билан яшашмоқда.

Ота-оналар болаларидаги гиперфаолликни юксак зако белгиси, бошқа болаларга ўхшамаслиги ёки шунчаки эркатой, бебош деб таърифлайди. Бу болалар дарсларда қийналишади, танбал, бузук характерли бўлишади.

Ота-оналар бу тип болаларни одатда ёки макташда ёки улардан шикоят қилиб, сурункали жазолашади. Ота-оналарнинг бу болалар билан соғлом алоқа боғлашлари ва яқинлашиши жуда қийин. Чунки болалар бу неврологик ҳолатга ота-оналарнинг жоҳиллиги ёки зулми таъсирида тушганини ботинан биладилар. Бу ҳолатда ҳаётда радикал ўзгариш бўлиши учун даволанишни она, ота ва бола биргалликда бошлашлари керак.

1987 йил Америкада қилинган Педиатрик Неврология ва Психиатрия Симпозиумида “Диккат Тарқоклиги (паришонхотирлик) Синдроми миянинг кимёвий метаболизмларидаги бузилишдан келиб чиқади” деган қарор чиққан; диккатни жамлаш ва ҳатти-ҳаракатларни бошқаришга қаратилган дори даволанишида Риталин, Метилфенидат ва Декстроамфетамин каби стимуляторларни ишлатиш таклиф қилинган.

Бу стимуляторлар давода муваффақиятли ва ишончли экани, болалар унга боғланиб қолмасликлари ва кўшимча таъсирлари кам экани учун танлангани айтилган.

Аслида, вазият бунинг ғирт тескарсидир.

Риталиннинг кўшимча таъсирлари: Бирданига ёки бир неча ҳафта ичида чиққан кўшимча таъсирлар: кўкрак ва қорин оғриқлари, терида қизариш, ҳарорат, ангина, меъда бузилиши, бош айланиши, юрак уришининг тезла-

шуви, ортиқча таъсирчанлик, кўп йиғлаш, уйқусизлик, асабийлик, шахсиятнинг ўзгариши, ғалати тил ва юз ҳаракатлари, депрессия, қотилликка мойиллик, параноя, галюцинация, турли ҳаракат бузилишлари, токсик психоз, ҳатто Турет Синдроми, яъни сўкинишлар билан гапириш.

Риталин болаларда бўй, вазн ривожланишига тўсқинлик қилади ва иммунитет тизимига зарар беради. Устига устак, бола дорига боғланиб қолади.

1995 йилгача кокаин билан риталинни наркотик бўлимдаги исковуч итларнинг ҳам фарқлай олмаслиги тасбит этилгандир. 1995 йилгача фақат Америкада 5 миллионга яқин ўқувчи Риталин ишлатган, кейин уларнинг катта қисми кокаинга қул ҳолга келишган. Бугун дунёда миллионларча бола йиллаб, ҳатто баъзилари умр бўйи Риталин ишлатишмоқда.

Гиперфаоллик ва концентрация бузуклиги болалар ишлатган Риталиннинг кокаин таъсирини бериши Голландияда аниқланди. Кейин Риталин ўрта мактаб ва лицей ўқувчилари орасида сотила бошланди. Голландиялик мутахассисларнинг айтишларича, Риталин сотиш кўрсаткичи 2006 йилда 60 фойизга ошган.

Америкалик тадқиқотчилар гиперфаол болаларни 8 йил давомида текшириб, уларнинг 80 фойизига Риталин берилиб, 20 фойизга ҳеч қандай дори беришмаган. 8 йилдан кейин Риталин ишлатган болаларнинг 60 фойизига Кондукт Дисордер (жиноятга мойиллик) ва Оппозицион Дефиант Дисордер (зўровонлик) чиққан.

Бу гиперфаолликдан ҳам оғирроқ ҳолат ҳисобланади.

Риталин ичганларнинг 40 фойизиди ва Риталин ичмаганларда ўзгаришлар кузатилмаган. Бу ердан кўриниб турибдики, риталин ишлатиб, яхши натижа олиш қийин.

Диккат тарқоклиги синдромида мия кимёвий метаболизмини бузадиган тахминий сабаблар

Кўшимча моддали маҳсулотлар истеъмол қилиш: 1973 йил Америкалик олим Б.Ф.Фрейнхолд фақатгина синтетик ранг берувчи ва аромат таркибли маҳсулотларнинг истеъмоллини таъқиқлаш билан, гиперфаоллик болаларни яхшилаган. (“Кўшимча моддалар”, “Ароматлар” ва “Дорилар” бўлимларига қаранг.)

Синпитан (Синтетик окситоцин, сунъий тўлғоқ) ишлатиш: Синпитан халқ орасида сунъий тўлғоқ сифатида машхур. Синтетик окситоцин таркиби танада сувнинг тутилишига сабаб бўлган антидиуретик гормонга ўхшайди. Шу сабабли окситоцин ҳам онанинг ҳамда боланинг танасида сув тутилишига сабаб бўлади.

Шиддатли сув тутилиши онада фикрлаш тарқоклиги, нохуш тортилишлар, приступлар, юрак заифлиги, кома ва ҳатто ўлимга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Синтетик окситоцин таъсирида боланинг мия тўқималарида сув тўпланади ва мияда шиш пайдо бўлади. Сунъий тўлғоқ билан туғилган боланинг мияси турли даражаларда зарар кўриши мумкин. Бу зарар безовталанишга, тез-тез ҳарорат чиқишига, конвулсияларга ва гиперфаолликка сабаб бўлади.

Энг катта зарарни эса сунъий тўлғоқ берилгандан кейин “цезар амалиёти” билан олинган аёл ва болаларнинг мияси кўради. Бундай ҳолатда синтетик окситоцин билан умумий анестезия учун ишлатилган аналезик бир-бирининг зарарини орттиради. Буларнинг таъсири билан майдонга келган мия зарари гиперфаоллик, отизм, эпилепсия каби неврологик ёки шизофрения каби рухий касалликларга сабаб бўлади.

Оналар ҳам вақт ўтиши билан хотирани йўқотиш ва рухий касалликларга учрашади. Бу сабабли психолог ва психиатрларнинг кўриқларида умуман “цезар амалиёт»ли аёл ва болалар кўп учрайдилар. Чунки расмий баёнотларга кўра, Туркияда ҳар икки туғилишдан бири “цезар амалиёт»и билан амалга ошмоқда.

Сунъий тўлғоқ эса ҳар туғилишда ишлатилмоқда.

Кўрғошин заҳарлиниши: Хотиранинг заифлашуви, диккатни жамлаш олмасликка, мантиқий фикрлай олмасликка ва тушуниш қобилиятининг зарарга учрашига сабаб бўлади.

Бу ҳолатда, айниқса, амалга тиш пломбалари таҳликалидир.

Тиш пломбаларидан кўрғошин сизиб, аёлнинг вужудига ва ҳомилага ёйилади. Бола туғилгандан кейин, сутга қоришиб, болага таъсир этишда давом этади.

Кўрғошин, одатда, суякларда тўпланади.

Болаларда суякларидаги метаболизмси актив бўлгани учун кўрғошин бутун организмга ёйилади ва, айниқса, “цезар амалиёти билан вақтидан эрта олинган ёки сунъий тўлғоқ билан туғилган бола миясида тўпланади. (“Бепуштлиқ” ва “Цезар амалиёти билан туғиш” бўлимларига қаранг.)

Темир етишмаслиги ёки ортиқчалиги: Темир етишмаслиги чарчоқ ва ҳолсизликка, диккат тарқоклигига ва тушунишнинг камайишига сабаб бўлади.

Темир микдорининг юксаклиги эса, агрессивлик, тоқатсизлик ва гиперфаолликка сабаб бўлади.

Ҳомила аёл қонидаги темир моддаси табиий равишда озаяди.

(Давоми кейинги саҳифада)

ФИБРИЛ КОНВУЛСИЯЛАР (ФК)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу кориндаги боланинг миясини темирнинг манфий таъсирларидан ҳимоя қилади.

Бу ҳикматни билмаган жоҳил докторлар ҳомила аёлларга темир моддали қон кўпайтирувчилар бермоқда.

Керакли ёғ кислоталарининг етмаслиги: Гиперфаоллик белгилари ва зарурий ёғ кислоталарининг камлигидан юзага келган симптомлар орасида бир қанча ўхшашлик бор. Миямизнинг 60% га яқини ёғ кислоталаридан ташкил топади.

Бунинг ярми тўйинтирилган, ярми тўйинтирилмаган ёғ кислоталаридир. Бу ҳолатда ёғларнинг сифати нақадар муҳим ва ёғ кетказувчи, оҳак эритувчи ва порошкларнинг ишлатилишининг нақадар зарарли эканини билиш керак. (“Ёғлар” ва “Соғлиқни сақлаш учун умумий тавсиялар” бўлимларига қаранг.)

Конвулсиялари бўлган болаларга Антиэпилептик дориларнинг ишлатилиши: Конвулсиялар профилактикасида ишлатилган Антиэпилептик дорилар, гиперфаоллик ва ҳаракат ўзгаришлари, ўрганиш қобилияти ва зако имкониятларини қисман йўқотишга сабаб бўлиши мумкин. (“Конвулсиялар” бўлимларига қаранг.)


Бундан ташқари синдромли болаларнинг ота-оналарида ҳаракат бузилиш, депрессия ва наркотик ишлатиш каби психиатрик муаммоларнинг тез-тез учраши аниқланган. Ота онанинг бу сабаблар билан ишлатган дорилари эмбрионни ва эмизикли болани таъсирлантиради.

Кўп телевизор кўриш ва компьютер ўйини ўйнаш: Булар болаларнинг бадан ва руҳ соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Кунимизда бош оғриши, уйку бузуклиги, ич оғриши, ижтимоий ривожланиш ва тил ривожланишида орқада қолиш, агрессивлик, ўқиш ва жисмоний ҳаракатларнинг камайиши каби муаммоларга, кўпинча, компьютер ва телевизор сабаб бўлади.

Телевизор ва ўйинларда тез ўтган тасвир, ранг, овоз ва бошқа объектлар мияга жойлаштирилиб, программалар юкланади ва шу тарзда болаларнинг мияси ва ҳаракатлари бошқарилади.

Мияга программа юклашда рекламаларнинг роли катта. (“Зехн назорати” бўлимида 25 тўртбурчак мавзуга қаранг.) Рекламалар болаларни шундай сеҳрлайдики, оналар болаларга улар фақат рекламаларни томоша қилишгаётгандагина, истаган овқатини едиришлари мумкин.

Эслатма: Телевизори бўлган уйда ухлаган ўсмир ёки бола мияси ҳам айни хавф остидадир. Чунки ишлаб турган телевизор ухлаётган бола миясини сеҳрлашда давом этаверади.



1-чи очликнинг илк куни бошдан хожамот қилади.

1-чи очликдан кейин эрталаб бел ва думғазадан хожамот қилади.

1 кун ўтиб аччиқ қовун сувининг сув билан ёки сут билан ярим-яримга аралашмаси ҳовучга солиниб, бурунга бир бора тортилади. 3-4 сония ушлаб туриб, чиқарилади. Ёки аччиқ қовун ёғи билан майдаланган седана аралаштирилиб икки юмалоқ шаклда бурунга тикилади. 5-10 дақиқа кейин чиқарилади. 1-4 соат кейин аксириш ва тез бурун оқиши бошланади ва 1-3 кун давом этади.

Аччиқ қовун таёрлаш учун “Дорилар” бўлимига қаранг.

2-чи очликдан кейин бошга 5-7 дона зулук қўйилиб, тушганидан кейин тишлаган жойларига банка қўйилади. (Икки чуқурга вакуум қилинмайди: лиқилдоқ ва энса чуқури.)

3-чи очликдан кейин: кураклар орасидан хожамот қилади.

4-чи очликдан кейин: Бошдан яна хожамот қилади.

Бош, курак ва думғазалардан хожамот газ ва кўпик тугагунча 3 ойда бир такрорланади.

6 ва 7-чи очликлардан кейин: 100 гр янги сиқилган ва сузилган аччиқ қовун барги суви + 500 гр сузилган мойчечак чойи аралашмаси билан клизма қилинади.

10-чи очликдан кейин: Бир кун мева суви ичилади ва соат 19:00да жигар тозаланиши қилинади. («Жигар тозаланиши, 3-чи кун» бўлимига қаранг.)

Бундан кейин хижрий тақвимнинг 13, 14, 15-чи кунлари очлик тугилади. Бу кунлар даволанишда таъсирли кунлардир.

40 кун давомида ҳар куни бош терисига зайтун ёғи едирилган ҳолда сурилади. Ишлатилган ёғга бир томчи гул ёғи қўшилса, янада фойдали бўлади.

Эрталаб-кечқурун бурунга анфия (тамаки) тортилади.

Бир ҳафта давомида ҳар кеч 5-6 томчи илик седана ёғи кулоққа томизилади.

Гиперфаоллик даволанишида табиий озикланиш, очлик, қон олдириш ва чет тили ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

3 кунлик очликлар 7 кун ора билан 14 марта тугилади.

Табиийга ўхшаш ароматлар ва бошқа қўшимча моддали маҳсулотлар, тайёр таом ва ичимликлар, кир порошклар, юмшатувчилар, тана парвариш маҳсулотларининг мутлақо ишлатилиши таъқиқланади.

Ҳафтада 2-3 марта уйга ва болаларнинг хонасига исирик тутатилади.

Курьони карим ўқиш ва оятларни арабча ёзиш миядаги зарарли дастурларни кетказди. Бола ухлаган пайтида, телевизор, радио, магнитофон ёки компьютерларни ўчириш, бола ухларкан, ёнида Курьон ўқиш катта фойда беради. Аммо кассета ёки СД дан эмас, жонли ўқиш керак.

Аслида, гиперактив бола уйда телевизор бўлмаслиги керак.

Хорижий тил ўрганиш: Янги ўрганилган хорижий тилда, мияга жойлаштирилган зехн назорати программасидаги (компьютер вируси каби) сўзлар бўлмагани учун бу зарарли программа заифлашиб, йўқолади.

Эслатма: Хорижий тилни компьютер ёки ТВ воситасида эмас ўқитувчидан тўғридан ўрганиш керак.

Болалар таомларининг янги, табиий ва тоза бўлишига диққат қилиш керак; кўпроқ мева, сабзавот, хусусан, газанда, семизўти, кашнич, петрушка, селдир барги каби кўк баргли сабзавот ва тоза зайтун ёғи истеъмол қилиниши керак. Бола мевани хуш кўрмаса, мева егунича ҳеч нарса бермаслик керак, егуликларни столга қўямасдан, музхонада сақлаш ва оз миқдорда бериш керак.

Қон тозаловчи ўсимликлар, узок вақт, пайти пайти билан бериб ва алмаштириб чой сифатида ишлатилади: маймунжон барги, мойчечак, газанда, сачратқи, оддий бўйимодарон.

Кучли қон тозаловчи дори:

1 ош қошиқ бўйимодарон + 1 ош қошиқ седана майдаланиб эланади ва шакл бериш учун керакли миқдорда табиий асал билан аралаштирилади. Бу аралашмадан нўхот катталигида таблеткалар қилинади, учта тенг гуруҳга ажратилади ва ҳар сафар бир гуруҳи кечга еб тугатилади. Айни жараён 3 кун давом этади. Бу қисқа курслар 1 ҳафта ора билан 5-10 марта такрорланади.

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош